

Америкалик муслима сиёсатчига ўлим билан таҳдид қилган шахс 10 йилга ҳибс этилади



12:40 / 09.04.2019 3338

АҚШ Вакиллар палатасининг биринчи муслима аъзоси, сиёсатчи Илҳан Омарга ўлим билан таҳдид солган Нью-Йорклик 55 ёшли Патрик Карлинео 250 минг АҚШ доллари миқдорида жарима тортилиши билан бир қаторда 10 йилга озодликдан маҳрум этилади, деб хабар беради tr.euronews.com сайти.

Прокурорларнинг маълум қилишича, 2019 йилнинг 21 март куни Карлинео Илҳан Омарнинг бир дўстини телефонда топиб: “У (таҳқир сўз билан) террорчи. Бошига битта ўқ отаман” деб айтган. Адлия вазирлигининг баёнот беришича, айблов полиция ва Текширувлар федерал бюроси олиб борган суриштирувларга асосланади. Илҳан Омар АҚШ тарихида биринчи марта Конгрессга сайланган иккита муслима аёлдан бири бўлади.

